

**Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ижросини
таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
маълумот**

Сув ҳўжалиги соҳасида ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан мустаҳкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгартириш – соҳа ходимларининг энг муҳим ҳамда асосий фаолият мезонларидир.

“Ijro.gov.uz” тизимидаги Давлат раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз “технологик занжир” асосида амалга оширилиб, ижро интизомига риоя этиш борасида қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатилиб, муайян натижадорликка эришилди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 91 та ҳужжати орқали 958 та топшириқ назоратга олинган ва ижроси таъминланган. Шундан, 49 таси белгиланган муддатидан кечиктириб бажарилган ва 12 та топшириқнинг муддатини узайтириш юзасидан Адлия вазирлигига таклифлар киритилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Раёсат баёнлари билан ижро муддатларини узайтириш маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 225 та топшириғи назоратга олинган ва ижроси таъминланган. Шундан, 31 таси белгиланган муддатидан кечиктириб бажарилган.

Жорий йилнинг август ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган жами 51 та Президент топшириқларининг 20 таси (39,2%) тўлиқ бажарилган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилган.

Жорий йилнинг август ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган жами 17 та Вазирлар Маҳкамаси топшириқларининг 6 таси (35,3%) тўлиқ бажарилган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилган.

Шунингдек, 2025 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 035 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 665 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 370 тасида ҳам ижрочи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 199 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 115 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 84 тасида ҳам ижрочи ҳисобланади.

Топшириқлар ижросини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳар ҳафта вазирлик марказий аппарати йиғилишларида танқидий таҳлил қилиб борилмоқда.

Ташкилий назорат ва таҳлил бўлими